O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 30-oktabr • Payshanba • 130 (27.935) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади».

БИЗНИ ВАТАН МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ

Ҳали Мустақиллик эълон қилинмай туриб, мамлакатимизда истиқомат қилаётган халқларнинг миллий кечинмалари, эзгу-орзу интилишлари ва руҳияти масаласига давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор билан ёндашди. Ҳар бир миллат ўз миллий қадриятларини асраб, ривожлантириши, ўзини Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқароси деб ҳис этиши учун шарт-шароит, соғлом ва ижобий муҳит яратилди. Мактабларда ўқув давлат тили билан бирга, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб борилиши, 150 миллат ва элат миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатиши фикримизнинг далилидир. Табиийки, бундай муносабат ўз навбатида миллиймилик доирасидан чиқиб, умуммиллий хусусиятларни юзага келтиради. Умуминсоний қадриятларнинг, турли миллий маданиятларнинг бир бутун ҳолда уйғунлашиши миллий маданиятнинг янада бойишига хизмат қилади.

3-бет

✓ ЎзХДП: устувор вазифалар

ЯНГИЛАНИШ, ЎЗГАРИШ, ТАШАББУСКОРЛИКНИ

ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов билан «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов ўртасидаги суҳбат мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида партиямиз олдида турган долзарб вазифалар ҳусусида бўлди.

— Мамлакатимизда кечаётган ҳозирги чуқур ислоҳотлар, янгиланишлар даврида партия олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат?

— Ҳар қандай сиёсий партия, агар у ҳаётдан узилиб, четга чиқиб қолишни истамаса, жамиятда юз бераётган жараёнларда фаол иштирок этиши лозим.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббусси билан амалга оширилаётган изчил демократик ўзгаришлар натижасида Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими вужудга келди. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тарихий ўзгаришлар юз бермоқда. Фуқаролик жамияти шаклланмоқда. Энг асосийси, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошиб бораяпти. Жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган сўровлар аҳолининг сиёсий партияларга қизиқиши ортаётгани, улар фаолиятига талабчанлик кучаяётганини кўрсатмоқда.

Буларнинг ҳаммаси партиямизни ўз сиёсий позициясига жиддий ўзгартиришлар киритишга ундади. 2005 йил июль ойида бўлиб ўтган партия V қурултойида «ЎзХДП — бутун халқ партияси» концепциясидан воз кечилди. Партия Дастури қайта кўриб чиқилди, сиёсий мафкурамиз тамойиллари янгиланди. ЎзХДПнинг янгиланган мафкураси ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий шериклик ғояларига асосланган бўлиб, мамлакатни ислоҳ қилишнинг ижтимоий йўналишини қўллаб-қувватлайди. Партиямиз давлат ва жамиятнинг манзилли ҳимоясига муҳтож ижтимоий гуруҳ ва қатламини ўзининг электорати сифатида белгилаб олди. Аниқроқ қилиб айтсак, бизнинг электорат, бу — кўп болали ва боқувчисиз қолган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар ҳамда аҳолининг турли сабаблар билан бозор муносабатларига мослаша олмаётган бошқа қатламларидир. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим каби ижтимоий соҳалар ходимлари ҳам партиямиз электорати ҳисобланади. ЎзХДПнинг аҳоли ушбу қатламлари билан ишлаши аниқ ижтимоий йўналишга эгадир.

— Эркин бозор иқтисодиёти, хусусан, бизнес ва тадбиркорлик фаолияти ривожига партиянинг муносабати қандай?

— Бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш масаласининг ўзи шундайлигича ЎзХДП сиёсатининг устуворликлари қаторига кирмайди. Биз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдоримиз. Барча мулк шакллари, шу жумладан, хусусий мулкнинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этиш сиёсий мафкурамизнинг асосий тамойилларидан биридир. Тадбиркорлик фаолияти ривожланиши биз Ўзбекистон тараққиётининг асосий омилларидан бири, деб ҳисоблаймиз. Тадбиркорликнинг ўсиши билан бир пайтда юз берадиган ижобий ижтимоий тамойиллар Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларига жавоб беради.

— Партия қандай воситалар орқали ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилмоқда?

— Биз электорат манфаатларини ўз депутатларимиз, биринчи навбатда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз орқали ҳимоя қиламиз. 2004 йилдаги сайловлардан кейин ўтган давр мобайнида фракциямиз «Ипотека тўғрисида», «Микромолиялаштириш тўғрисида»ги Қонунларни қабул қилиш, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида», «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёнидаги муҳокамаларда партиямиз электорати манфаатларини қаттиқ курашиб ҳимоя қилди.

2-бет

«Ўзбекистон овози» мухбирлари хабар қиладилар

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент. Шу йилнинг 12-17 ноябрь кунлари Истанбул-(Туркия)да кураш бўйича ёшлар ўртасида V жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унда дунёнинг олтмишга яқин давлатидан 250 нафардан зиёд йигит-қиз ўн тўрт вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқиши кутилмоқда.

Кеча Кураш халқаро ассоциацияси қароргоҳида ушбу нуфузли мусобақа олдидан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Унда КХА бош котиби Умид Ёқубов ҳамда Бутунжаҳон курашни ривожлантириш жамғармаси раиси Ҳабибулло Тожиев жаҳон чемпионатига тайёргарлик масалалари хусусида сўз юритди. Шунингдек, тадбирда журналистлар курашни халқаро миқёсда ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

(Ўз мухбиримиз)

МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

«Қўқондонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида жамиятда 29 минг 195 тонна ун тайёрланди. Соф даромад ҳам йил сайин ошмоқда. Бу эса ходимлар меҳнатини рағбатлантириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, хайрли ишлар кўламини кенгайтириш имконини бермоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Куни кеча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда республика Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташаббуси билан «Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари процессида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масалалари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, суд ҳамда жамоатчилик вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОРДА

Самарқанд шаҳридаги Меҳрибонлик уйларида «Sen yolg'iz emassan» республика болалар жамоатчилик жамғармаси иштирокида хайрия тадбирлари ўтказилди.

2-бет

«РИВОЖ»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Андижон. Шаҳрихондаги «Ривож» фирмаси раҳбари Комилжон Отахонов ёнига акаукалари Қобилжон, Ойбекларни олиб, хитойлик ҳамкорлар билан электрод заводини ишга туширди. Корхона маҳсулотини экспорт қилишга ҳам эришилди.

Тадбиркор топган ўз даромади ҳисобидан Шаҳрихонда замонавий мактаб биносини қуриб, элдошлари дуосини олди. Ёшлар йилида ҳам хайрли ишларини давом эттириб, Андижон — Қўқон магистрал йўлининг Шаҳрихон ҳудудида янги кошона бунёд этди. «Шукрона» деб номланган масканда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан бирга, кексалар учун чойхона, келин-куёвлар никоҳ тантаналарини ўтказиши учун кенг, ёруғ зал ҳам ишга тушди.

— Бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, келгусида ёшларнинг компьютер саводхонлигини оширишга, спорт билан шуғулланишларига хизмат қиладиган маскан барпо этишни ният қилганмиз, — дейди Комилжон Отахонов.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.
Ҳ.АРАББОЕВ олган сурат

✓ Газетада босилмади, аммо...

ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Турдиали Муҳсиновнинг таҳририятга йўллаган шикоят хатида бир пайтлар ҳовлиси устидан тортилган юқори кучланишли электр сими шамолда чирсиллаб ҳавф солаётгани, бу ҳақдаги тегишли ташкилотларга мурожаатлари самарасиз кетаётгани ҳақида ёзган эди. Наманган шаҳар ҳокимлигига жўнатилган хатга яқинда жавоб мактуби келди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Наманган шаҳар, Қозонбулоқ кўчаси, 9-«а» уйда яшовчи фуқаро Т.Муҳсиновнинг «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига йўллаган аризаси тегишли мутахассислар иштирокида жойида ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатдан ҳам фуқаро Т.Муҳсиновнинг хонадонидан юқори кучланишли электр энергияси тармоғи ўтганлиги, ушбу тармоқни хавфсиз жойга кўчириш учун Қозонбулоқ кўчасининг бўш, хавфсиз ҳудудига тармоқ таянчи ўрнатилиши лозимлиги маълум бўлди.

Фуқаро Т.Муҳсиновнинг талаби ҳамда ушбу ҳудуддаги фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қозонбулоқ кўчасида қулай жой ажратиш, тармоқ таянчи ва мавжуд трансформаторни кўчириш ишларини амалга ошириш вазифаси шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбариятига юклатилди ва бажарилиши шаҳар ҳокимлиги томонидан тўлиқ назоратга олинди.

Наманган шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ж.ВАЛИЕВ»

✓ Фракция фаолияти

ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТ

ратификация қилинмоқда

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

— Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протокол БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 15 декабрдаги 82-ялпи мажлисида қабул қилинган ҳамда 1991 йил 11 июлда кучга кирган, — деди мазкур лойиҳа юзасидан маъруза қилган Қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдуманноб Раҳимов.

Ушбу Баённома мазмунан Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда қўшилган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» ҳамда «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир факультатив баённома» қоидаларидан келиб чиққан ҳамда ушбу Пактга қўшимча тариқасида қўлланилади. Баённомага мувофиқ, иштирокчи давлат юрисдикцияси остида бўлган биронта шахс ўлим жазосига ҳукм қилинмайди.

Баённома қоидалари Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони ва 2007 йил 11 июлда қабул қилинган «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мос келади.

Шунингдек, юқоридаги қонун лойиҳасининг тайёрланиши Президентимиз 2008 йил 1 майда чиқарган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида ҳам назарда тутилган эди. Ушбу масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳужжат ратификация қилинганидан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинганини расман тан олади. Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

Йиғилишда, шунингдек, фракция аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши самарадорлигини ошириш масаласи ҳам муҳокама этилди.

(Ўз мухбиримиз)

БУГУНГИ СОНДА:

• ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ — 2
аввало бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида акс этиши лозим

• Украина: ФАРМОН ЯНА КУЧДА — 3
Киев апелляция маъмурий суди шаҳар округ маъмурий судининг Виктор Ющенконинг Олий Рада-ни тарқатиб юбориш ва муддатидан илгари сайловларни ўтказиш ҳақидаги фармони амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарорини бекор қилди.

• БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 4
Ҳозирги кунда вилоятимизда 130 та коллеж ва академик лицей фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, биргина жорий йилнинг ўзида 17 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицей ёшлар учун фойдаланишга топширилди.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЯНГИЛАНИШ, ЎЗГАРИШ, ТАШАББУСКОРЛИКНИ

ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу қонунчилик ҳужжатлари бўйича позициямиз одамларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасини оширишга партиянинг муносабатини ўзида акс эттиради. ЎзХДП учун бу ўта муҳимдир.

— Маълумки, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниб амалга киритилди. Унинг лойиҳаси парламент қуйи палатасида кўриб чиқилаётганда партия қайси жиҳатларни ҳимоя этишга ҳаракат қилди?

— Бу соҳадаги ислоҳотларда солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш, корхона ва фуқаролар учун солиқ юкини изчил камайтириш каби устувор қоидаларни қўллаб-қувватлаш ниҳоятда муҳим эди. Биз солиқ қонунчилигининг унификация қилиниши ҳамда бу соҳада амалда бўлган қонуности ҳужжатлар сонининг анча камайишини ижобий баҳоладик. Чунки, яқин-яқингача солиқ органлари томонидан жойларда кўплаб бир-бирига зид йўриқнома ва низомларнинг бажарилиши қонунни бажаришдан кўра юқори ўринда турарди. Эндиликда бунга чек қўйилди.

— Маълумки, 2004 йилдаги сайлов якунлари бўйича Ўзбекистон ХДП парламент озчилиги мухолифати вазифасини ўз зиммасига олди. Бундай қарорга келишнинг сабаб ва мақсадларини изоҳлаб берсангиз.

— Сайлов ўтиши биланоқ, 2005 йил бошида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик блок шакланди. Унинг таркибига бугунги кунда учта сиёсий партия — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП), «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда «Адолат» социал-демократик партияси фракциялари киради. Улар парламентда кўпчиликни ташкил этди.

Бунга жавобан, ЎзХДП фракцияси ўзини парламент кўпчилигига нисбатан мухолифатда эканини эълон қилди. Бу қадамимиз шундан келиб чиқдики, бизнинг сўл сиёсий қарашларимиз билан Олий Мажлис қуйи палатасида энг кўп мандатга эга бўлиб, блокка бирлашган парламент кўпчилигининг ўзагини ташкил этган ЎзЛиДеПнинг либерал ғоялари ўртасида тафовут бор. Яна шу ҳам инобатга олиндики, парламентдаги мухолиф озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конституциявий қоидалар парламент озчилигига сиёсий бетарафлик мақомига қараганда, парламент воситалари орқали дастурий ғоя ва мақсадларимизни амалга ошириш учун кўпроқ имкон беради.

Президентимиз ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда мутлақо янги ҳуқуқий майдонни яратди. Бундай шароитда ЎзХДПнинг парламент фаолияти катта ғайрат ва ташаббус билан олиб борилиши керак.

— Бу талаб фақат партиянинг парламентдаги фракциясига таллуқлими?

— Йўқ. Парламентчилик фаолияти тўғрисида гапирганда, биз партиямизнинг бошқа депутатлик бирлашмалари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси, халқ депутатлари барча вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларини ҳам кўзда тутамиз.

2008 йил 18 сентябрь куни on-line конференц-алоқа тартибида ўтказилган партия Марказий Кенгаши Ижроқўми кенгайтирилган йиғилишида айнан маҳаллий депутатлик тузилмаларининг фаолияти марказий ўрин эгаллади.

Сайловлардан кейин ўтган давр мобайнида ҳокимият маҳаллий вакиллик органлари ваколатига кирадиган ижтимоий масалаларни ҳал этишда ЎзХДП депутатлик бирлашмаларининг ташаббус ва иштирокидан далолат берувчи мисоллар оз эмас. Депутатларимиз Кенгашлар сессияларида фаолроқ иштирок эта бошладилар, муҳим масалалар муҳокамасида сўзга чиқиб, аниқ таклифлар киритмоқдалар.

Лекин қатор депутатлик бирлашмалари фаолиятида изчиллик етишмаётганини очиқ тан олиш керак. Айрим депутатлик гуруҳлари раҳбарлари жойлардаги ижроия ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари билан «муносабатларни бузмаслик»ни афзал кўриб, қонунлар, мамлакат Президенти Фармон ва қарорлари, партия электорати манфаатларига жавоб берувчи бошқа ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган давлат ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан ўзларини четга олмоқдалар.

Шунинг учун Ижроқўм йиғилишида Конституциявий қонун кучга киргани муносабати билан партия сиёсатини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим механизми ҳисобланган маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик бирлашмаларимизнинг ролини кескин ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

— Бугунги кунда партия депутатлар корпуси янада самаралироқ ишлаши учун қандай аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Партия Марказий Кенгаши ва маҳаллий ташкилотлари саъй-ҳаракатлари барча депутатлик бирлашмаларимиз фаолиятида амалий йўналишни кучайтириш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ ишга солишга қаратилган.

Бу масалада бизнинг бош вазифамиз ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик бирлашмаларидан талабимиз — ижтимоий масалалар ечимига доир қонунлар, мамлакат Президенти Фармон ва қарорларининг жойларда ўз вақтида бажарилишига кўмаклашишдан иборат. Бунинг учун биз депутатлик бирлашмаларимиз эътиборини ижтимоий сиёсатни амалга оширишни Кенгашлар назорат-таҳлил фаолияти доирасида мониторинг қилишга йўналтирдик.

Мониторинг натижаларига қараб, депутатлик гуруҳлари фармон ва қарорлар, манзилли давлат дастурлари жойларда қандай бажарилаётгани тўғрисида қатъий позицияларини ишлаб чиқишлари керак. Масалан, жойларда депутатларимиз фаол иштирок этишлари лозим бўлган «Ёшлар йили» Давлат дастури қандай амалга оширилмоқда? Аҳоли бандлиги бўйича минтақавий дастурлар ижросини таъминлаш қанчалик самара бермоқда?

Бундай мониторинг ўтказиш жараёнида, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам эътиборга олинади. Уларни ўқитиш учун давлат катта маблағ сарфлайди. Шунинг учун коллежларнинг ҳар бир битирувчиси ўз минтақасида малакасига муносиб иш билан таъминланишига эришишда депутатларимиз ваколатларидан янада самарали фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Аёлларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда тўлақонли иштирок этишини таъминлаш масалаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу борадаги ишларга нафақат депутатлик бирлашмалари, балки партиямизнинг «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаолиятини ҳам йўналтирмоқдамиз.

— Маълумки, партиянинг кучи, фаолиятининг самарадорлиги бошланғич ташкилотлар аҳоли, хусусан, электорат орасида қандай иш олиб бораётганига кўп жиҳатдан боғлиқ. Партиямиз қуйи бўғинларининг бугунги фаолияти ҳақида қандай фикрдасиз?

— Мен газета минбаридан фойдаланиб, туман ва шаҳар партия кенгашлари эътиборини уларнинг кўплари бошланғич партия ташкилотларидан ажралиб қолганлигига, электорат вакиллари орасида ЎзХДП таъсирини кучайтиришда БПТ салоҳиятига суянмаётганлигига қаратмоқчиман.

Бунинг оқибатида кўплаб бошланғич ташкилотларимиз фақат партиянинг ички масалалари билан ўралашиб қолганлар. Партия марказий органларининг қуйи бўғинлар фаолиятига тааллуқли принципиал вазифалар қўйилган қарорлари уларга ўз вақтида етказиб берилмайди. Ҳозирги кунгача бошланғич ташкилотларнинг аксарияти партия марказий нашрларига обуна бўлмаганлар.

Шунинг учун 2008 йилнинг иккинчи ярмидан партия кадрлар масаласини ташкилий жиҳатдан қайта кўриб чиқишда бошланғич ташкилотларимиз ишини янги босқичга кўтариш мақсади устувор ҳисобланади.

Хабарингиз бор, бу йил биз партия марказий газеталари обунасини ташкил этишга ёндашувни ўзгартирдик. Марказий Кенгаш ҳар бир бошланғич ташкилот партия марказий нашрларини мунтазам ва тўлиқ олиб туриши, бунинг учун уларга, албатта, обуна бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Қуйи бўғинларимиз ишини ташкил этишга ёндашувларимиз ҳам мутлақо янгичадир. Мен бошланғич ташкилотлар раисларидан шуни чуқур уқиб олишларини сўрар эдимки, уларнинг бош вазифаси сиёсий ишларни ЎзХДП аъзолари орасида эмас, балки партия аъзоларининг электорат билан ишлашини ташкил этишдан иборатдир. Партиямизнинг 2009 йилда бўладиган сайловда иштироки натижалари, кўп жиҳатдан, 11 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотларимизнинг ҳар бири бу вазифани қай даражада бажаришига боғлиқдир.

— Ноябрь-декабрь ойларига белгиланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида партиямизнинг иштироки қандай бўлади?

— Бу масаладаги фаолиятимиз нодавлат нотижорат ташкилотларининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳуқуқлари доирасида бўлади. Сиёсий партияларнинг ушбу сайловда бевосита иштирок этиши — номзодлар кўрсатиши ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориши кўзда тутилмаган. Биз қонунга қаттиқ риоя қилиб, мамлакатда ўзўзини бошқариш органларига бошланаётган сайловни жамоатчилик нуқтаи назаридан қўллаб-қувватлаган ҳолда, у билан боғлиқ жараёнларни сиёсатлаштириш фикридан йироқмиз.

— Юқорида Сиз айтган фикрлар партиямиз фаолиятининг назарий жиҳатлари ҳақида газетхонларимизга маълум даражада маълумот беради. Энди бугунги муҳим амалий вазифалар тўғрисида тўхталсангиз.

— Аввало, шуни таъкидлаш керакки, партиянинг барча ташкилий тузилмаларида профессионал ишлаш асосларини мустаҳкамлаш бўйича 2006 йилда қўйилган қадамлар изчил давом эттирилмоқда. 2006-2007 йилларда вилоят партия кенгашлари аппаратлари анча кенгайтирилди ва кадрлар билан мустаҳкамланди. 2007 йил охиридан бошлаб биз туман ва шаҳар ташкилотларимиз ишчи аппаратини мустаҳкамлашга киришдик. Айни пайтда, партия раҳбарлари таркибини ёшартириш масаласига эътибор қаратяпмиз. Чунки 2005 йилнинг бошларига келиб, пенсия ва пенсия олди ёшидаги раҳбарлар уларнинг учдан бир қисмини ташкил этарди.

Иккинчидан, партия ўз сайланма органлари аъзолари ва партия аппарати ходимлари сиёсий, ҳуқуқий савияси, малакасини ошириш масалалари билан изчил шуғулланмоқда. 2008 йил сентябрь ойида, ЎзХДПда ташкил этилган уч босқичли сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида учинчи ўқув йили бошланди. Ҳозирги кунда, маҳаллий партия ташкилотларида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари тармоғи имкониятларидан фойдаланиб, мазкур ўқувларнинг самарадорлигини ошириш вазифаси қўйилмоқда. Айни пайтда, олдимизда партия кадрларининг касбий тайёргарлиги ва малакасини оширишнинг худди шундай тизимини яратиш вазифаси қўйилган. Партия ишчи аппарати ходимларида 2009 йилда бўладиган сайловлар арафасида сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш тажрибасини ошириш, шу мақсадда ҳозирги замон сиёсий технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир долзарб вазифа — бу ЎзХДП маҳаллий ташкилотлари томонидан электорат орасида ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий тадбирлар мазмуни ва амалий йўналтирилишини кучайтириш. Ҳали кўплаб туман ва шаҳар партия ташкилотлари бу ишни тизимсиз олиб бормоқда, уларда асосан сайланма фаоллар қатнашмоқдалар. Марказий Кенгаш бу ишнинг яхшиланишини кўзлаб, ЎзХДП маҳаллий кенгашлари олдида тарғибот-ташвиқот тадбирларининг электоратга таъсир этиш даражаси тўғрисида мулоҳаза юритиш учун қайтарма алоқани (қуйидан бериладиган ахборотларни) йўлга қўйди ва унинг мунтазам юритилишини талаб қилмоқда.

ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур жамғарма ва Халқ таълими вазирлиги вакиллари шаҳардаги бир қатор Меҳрибонлик уйларида бўлиб, тарбияланувчиларнинг таълим олиши, яшаш шароити билан яқиндан танишдилар. Учрашув ва суҳбатларда мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Ҳар бир бола давлат ва жамиятимизнинг ғамхўрлиги ва эътиборида эканлиги, уларнинг ижтимоий ҳимояси қонун билан кафолатлангани таъкидланди.

— Биз юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари ва ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсад йўлида иш олиб бормоқдамиз, — дейди жамғарманинг ижрочи директори Руслан Мустаев. — Ҳар йили турли хайрия тадбирлари ўтказамиз, Меҳрибонлик уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшамиз.

Тадбир доирасида шаҳардаги Меҳрибонлик уйларига замонавий техника воситалари, ўқув ва спорт жиҳозлари топширилди. Болажонлар ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишлари, шеър, қўшиқ ва рақслар билан меҳмонларни хушнуд этдилар.

— Жамғарма кўмагини тарбияланувчиларимиз доимо ҳис қилиб туради, — дейди Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйи директори Салоҳиддин Латипов. — Ҳар йили жамғарма ташаббуси билан турли хайрия тадбирлари ўтказилади. Жамғарма ёрдами билан собиқ тарбияланувчимиз Сардор Шеров Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда, Насиба Худойқулова эса Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида таҳсил олмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири

Суратда: хайрия тадбиридан лавҳа.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

ЎзХДП ҳаёти

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

аввало бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида акс этиши лозим. Партиямиз Самарқанд вилоят Кенгашида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида бу алоҳида қайд этилди

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши ижроия қўмитаси аъзолари, туман ва шаҳар партия кенгашлари раҳбарлари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Бўлиб ўтган муҳокамаларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш тўғрисидаги масала асосий ўрин эгаллади. Иштирокчилар депутатлик бирлашмалари ишини жиддий яхшиланишини таъминлаш, улар салоҳияти ва мавжуд имкониятларини Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 апрелда бўлиб ўтган халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги чиқишида қайд этилган устувор ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтириш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Шунингдек, вилоятдаги ЎзХДП бошланғич ташкилотларининг партия дастурий мақсадларини амалга ошириш борасидаги фаолияти таҳлил этилди. Айрим қуйи бўғинлар номигагина фаолият юритаётгани, уларнинг маҳаллий партия кенгашлари билан алоқаси айрим ҳолларда узилиб қолгани кузатилаётгани таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, бошланғич бўғинлар ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, фаолларнинг электорат орасида ишлашини самарали ташкил этиш бўйича вазифалар қўйилди.

Йиғилишда вилоят партия ташкилотлари ишидаги айрим йўналишларга танқидий баҳо берилди, партия Устав фаолиятини яхшилашга қаратилган қатор таклифлар билдирилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

✓ Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллигига

МАМЛАКАТНИНГ ОЛТИН БЕЛБОҒИ

Бугун Қизилқумни Ўзбекистоннинг маъданли «белбоғи», дейишга тўла асос бор. Собиқ иттифоқ даврида унинг бағридаги ноёб рангли ва нодир қазилма бойликларни тасаввур ҳам қилолмасдик. Тўқсонинчи йилларга қадар марказ кўрсатмаси билан Қизилқумга олис Оренбургдан суюлтирилган газ, цемент хомашёси учун темир қипиғи, Олтой ўлкасидан ўтга чидамли пишиқ ғишт келтириларди. Учқудуқдаги Шимолий, Зарафшондаги Марказий кон бошқармалари турли асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмларга маҳтал эди.

Ҳатто 1992 йил 29 январда «Известия» газетаси мухбирининг: «Мустақил Ўзбекистон Иттифоқсиз яккаланмайдими, парокандаликка юз тутмайдими?», — деган илмоқли саволига Президент Ислом Каримов: **«Ўз истиқлол йўлини танлаган Ўзбекистон иқтисодий устуворликнинг тажрибада синалган беш тамойилига асосланган экан, ҳадемай ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олади»,** — дея жавоб берганди.

Амалда шундай бўлди ҳам. Мамлакат халқ хўжалигининг барча соҳаларида каби республика кон-металлургия саноати ҳам босқичма-босқич юксалиб, ривожлана бошлади. Буни тўқсонинчи, икки мингинчи йиллар солномаси тўла исботлаб турибди.

Юртбошимиз 1992 йил 27 январда, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг сессиясида: **«Чиндан ҳам Оллоҳ назари тушган Қизилқумда олтин ва кумуш дейсизми, урану вольфрам, мармару олмос, турли кимёвий бирикма, ҳатто гранит тош дейсизми керагича топилади... Қизилқуму Навоий Ўзбекистоннинг олтин белбоғи»**, — дея таъкидлаганди. Мана, шу тарихий воқеага ҳам салкам 17 йил бўлаяпти.

Хўш, шу йиллар ичида Қизилқумда қандай ўзгаришлар юз берди?

Бугун дадил айта оламиз: у иқтисодий тикланиш ва ривожланиш йўлига дадил чиқиб олди!

Агар тўқсонинчи йиллар бошида биргина «Мурунтов», «Довгузтов», «Омонтов», «Кўкпатас» олтин конлари чуқур ўрганилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлса, 1992-93 йилларда «Агама», «Зариспарк» сингари қўшма корхоналарга асос солинди. 1995 йилга келиб, «Зарафшон — Ньюмонт» қўшма корхонаси иш бошлади. Ўша йилнинг ўрталарида Навоий кончилик институти очилди ва унинг икки бўлимида тоғ-кон саноати мутахассислари тайёрлана бошлади.

Агар ҳозир Қизилқум тоғ-кон саноатида жами 60 минг нафар ишчи ишлаётган бўлса, шунинг тенг ярми маҳаллий миллат вакилларига мансуб кадрлардир. Яна бир мисол: тўқсонинчи йилларга қадар Ўзбекистонда жами 811 нафар кончи мутахассис тайёрланган бўлса, ҳозир улар сони (йиллик) 10 минг нафарга яқинлашиб қолди.

Бугина эмас. 1996 йилда иш бошлаган Қизилқум фосфорит комбинати, 1999 йилда ҳаракатга келган «Кўкпатас» олтин кони ҳам бугун юртимизнинг таянч иқтисодий нуқталари ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, Навоий конметаллургия комбинати дунё ҳамжамиятида йирик 10 та олтин ишлаб чиқариш компаниялари орасидан муносиб ўрин олди.

Ҳозирги кунда Қизилқум саркҳадларида Жанубий Африка ёки Америкадаги каби 3 та йирик гидрометаллургия (олтин саралаш) заводлари ишлаб турган бўлса, шунинг энг йириги — Зарафшондаги Марказий кон бошқармаси ва марказий гидрометаллургия корхонасидир. Уларда йилига 30-32 миллион тонна тоғ жинслари қайта ишланиб, «99.99» миқдоридаги энг сара олтин ёмбилари олинмоқда. Олтин саралаш ва сертификатлаш жаҳон кўмиталари юксак баҳоси ўлароқ, Қизилқум олтини «Токио», «Вашингтон», «Мадрид», «Рим» биржаларини аллақачон забт этди.

— Гап фақат олтин ишлаб чиқариш салмоғида эмас, — дейди Марказий кон бошқармаси етакчи мутахассиси Темур Собиров. — Унинг сифати ҳам бизни жаҳон бозори сари етаклади. Сифат кўп жиҳатдан замонавий технология ва ишлаб чиқариш модернизациясига боғлиқ. Ана шу омилдан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда барча цехлар ва участкаларни модернизациялаш йўлини тутдик...

«Олтин белбоғ» деганда, «Навоий — Султон Увайстоғ — Нукус» халқаро темир йўлини ҳам назарда тутамиз. Узунлиги 241 километрни ташкил этган бу йўлнинг 151 километри олис Қизилқум ичкариси билан ўтади. Бу — қарийб 2,5 минг нафар чўл кишилари турғун иш ўринлари билан таъминланди, дегани ҳам. Муҳим жиҳати, мазкур темир йўл туфайли илгари Туркманистон Республикаси ҳудудидан фойдаланганлигимиз учун кетган 25 миллион долларлик товон пулидан қутулдик. Энди хоҳ юк, хоҳ йўловчи поездлари бўлсин, улар ўз ҳудудимизда қатнамоқда...

— Қорақалпоқ ўлкасига қизим келин бўлиб тушган, — дейди карманалик Риски ота Шониёзов. — Навоий темир йўл вокзалидан поездга чиқиб, икки кун оралиғида бориб, қайтиб келса бўлади.

— «Навоий» — Султон Увайстоғ — Нукус темир йўли ишга тушгач, темир йўл хизмати ишчилари сафи икки ҳисса ортди, — дейди Конимехдаги «Момиқчи» кўрғони фуқароси Олим Худоев. — Когон темир йўл коллежини битириб келиб, икки йилдирки, темир йўл тизимида ишлаяпман...

Бунга ўхшаш шукроналик ва миннатдорлик сўзларини Раббим Пўлатов, Қосим Хидиров сингари ўнлаб юртдошларимиздан ҳам эшитдик.

Шуларни ўйлар экансиз, беихтиёр Қизилқум чиндан ҳам юртимизнинг олтин белбоғига айланганига иқрор бўласиз.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЗНИ ВАТАН МАНФААТИ БИРЛАШТИРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Умуминсоний қадриятлар аҳамиятининг ошиб бориши инсоннинг воқеликка муносабатига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу маънода, мамлакатимизда миллий ва миллатлараро муносабатлар янги босқичга кўтарилди, манфаатларни ўзаро боғлашнинг мақбул йўналишлари белгилаб олинди, десак, хато бўлмайди.

Шўро тузумида миллий ўзликнинг сиқувга олиниши катта ижтимоий йўқотишларга олиб келгани, умуминсоний қадриятларни менсимаслик миллатлараро низо-адоват туғдиргани ҳеч кимга сир эмас. Фарғона воқеалари шу асосда келтириб чиқарилган эди. Мамлакатимиздаги бугунги сиёсат турли миллат вакиллари биргаликда яшаган узоқ тарих давомида тўпланган қадриятларнинг янада уйғунлашиб, бойиб боришига хизмат қилади. Бунга асос бўлган бағрикенгликнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?

Ўз-ўзидан равшанки, шахс шаклланаётган муҳит муҳим ижтимоий асосларга эга бўлади. Мисол учун, жойлашиши, маданияти, динига кўра бир-бирига яқин, бирга ҳаёт кечиришнинг кўп асрлик асосларига эга бўлган ўзбек ва тожик халқлари ҳам кундалик турмуш тарзи, урф-одатлари, табиати ва дунёқарашига кўра бетакрор ўзига хосликка эга. Мана шу жиҳат ҳисобга олинмас экан, миллатнинг миллий ўзига хослиги кўздан қочирилади.

Урф-одат ва таомилларда тафовут ҳатто бир миллатнинг ўзида ҳам бўлиши мумкин. Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдурахмонов эътиборга молик бир воқеани ҳикоя қилган. Адибнинг дўсти Аким, миллати қозоқ, Мўйноқда яшаган. Тўқсонинчи йилларда қариндош-уруғлари билан бир жойда истиқомат қилиш истагида Остона яқинидаги хўжаликка кўчиб борган. Куз оёқлаганда кекса отаси ётиб қолган, қишнинг чилласида узилган. Эл-уруғни йиғиб, маракани ўтказган. Бир вақт қараса, фотиҳадан сўнг одамлар хайр-хушлашиб тарқалаяпти. У бир оқсоқолни тўхтатиб: «бу қанақаси, ахир ўликни дафн этмаймизми», — деб сўраган. Оқсоқол айтганки, майгача ер тош қотиб, музлаб ётади, гўр қазиб бўлмайди, унгача майитни эҳтиётлаб сақлайсан!

Аким бу тартибни қабул қила олмайди. Ўша куни кўч-кўронини йиғиштириб, отасининг ўлигини олиб, КамАЗда йўлга чиқади. Мўйноққа келиб, расм-русм билан отасини онасининг қабри ёнига дафн этади.

Ҳаётда бундай воқеалар учраб туради. Шубҳасиз, у урф-одат ва расм-русмга муносабатни ўзида ифода этади. Мустабид тузум даврида ҳар қанча таъқиб-тазйиқ бўлмасин, халқимизни суннат тўйи, никохдан ўтиш, намоз ўқиш каби қадриятлардан жудо эта олмаган.

Турмуш тарзидаги яқинлик тарихий тақдир билан белгиланади. Моддий ва маънавий маданият, ижтимоий тажриба, урф-одатлар, муомала, оила ва кундалик турмушдаги анъаналар, жўғрофий ва иқлим шароитлари, дунёқарашнинг ўзига хослиги, миллий ўзликнинг сақланиб қолиши турмуш тарзини белгилайди. Шу маънода, кўпмиллатли муҳит кўп қиррали бўлади. Чунки у миллий ўзига хос ҳамда четдан қабул қилинган қадриятлар жамламасидир.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳаётнинг барча соҳаларидаги интеграция миллий хусусиятлар ривожида устуворликка эга. Мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатда этник бирлик ва унинг тилига, қадриятларига ҳурмат-эҳтиром муҳим аҳамият касб этади. Бунда ижтимоий муносабатлар, жамиятдаги одамларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатларини қонун ҳимоя қилиши адолат тамойили ҳукм суришини таъмин этади. Мамлакатимиз радио-телевидениеси давлат тилидан ташқари, рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик тилларида кўрсатув ва эшитиришлар бериши, рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, корейс тилларида газеталар чоп этилиши фикримизнинг тасдиғидир. Мамлактимизда миллий муносабатда ижтимоий сиёсат юритиш усулларини танлашда ҳар қайси миллатга мансуб инсон шахсидаги умуминсоний, миллий ва индивидуал хусусиятлар инобатга олинган.

Бунинг замирида ҳар бир инсон миллий маҳдудликдан холи бўлсин, руҳий тараққиёт ва ижтимоий фаровонликнинг кенг истиқболларига интилсин, миллатлараро муносабатда одамларни бирлаштирувчи умумижтимоий манфаатларни кўра билсин, деган эзгу мақсад мужассам.

Албатта, миллатлараро дўстлик бобида «ўйин» қилувчилар ҳам йўқ эмас. Бундай сиёсат юритувчилар оғизда халқлар дўстлигини улуғлаб, бу «дўстлик» учун ўз миллатини ўзак қилиб олади. Унинг манфаати бошқаларникидан устун бўлади. Масалан, Шўро тузумидаги «Улуғ оға»чилик сиёсати. Табиийки, бундай ёндашув миллатлараро уйғунликка, демак, миллий тараққиёт, миллатлараро тотувликда оптимистик тенденцияларнинг мустаҳкамланишига халал беради.

Жаҳонда бир миллат номи билан аталган, аммо турли миллат, элат ва этник гуруҳ вакиллари ҳамжиҳат яшаётган давлатлар оз эмас. Ўзбекистонимиз шулардан биридир. Бу мўътабар заминда 130 дан ошиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Табиийки, кўпмиллатли давлатнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий-маданий турмуш тарзи, тараққиёти ҳам ўзига хос бўлади.

Ҳозир мамлакатимизда Рус, Украин, Татар, Немис, Турк, Грек, Болгар, Арман, Яҳудий, Қозоқ, Тожик, Корейс, Озарбойжон, Бошқирд, Туркман каби 150 миллий-маданий маркази фаолият кўрсатади. Улар мустақилликнинг дастлабки даврида, 1992 йил 13 январида ташкил этилган Республика Байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда фаолият олиб боради, айни вақтда ўз Низоми, дастури ҳамда иш режасига эга. Ҳар бир марказ фаолияти ўз миллати, урф-одатлари, анъаналари ва маросимларини тиклаш, ривожлантириш, тарғиб этишга қаратилган. Шунингдек, бу марказлар ўзбек халқи маданияти, санъати, тарихи ва тилини ҳам тарғиб этадики, бу халқларни яқинлаштиришга, миллатлараро муносабатларни янада яхшилашга хизмат қилади. Байналмилал маданият маркази қошида ташкил этилган миллатлараро «Наврўз» театри ҳам шу мақсадга хизмат қилади, миллатлараро муносабатлар маданияти, сиёсий маданиятни юксалтиришга ёрдам беради. Бу эса жамиятда барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик, ҳамдамлик ва меҳр-оқибатни, ҳар бир фуқаронинг ишончини янада оширади.

Шу билан бирга, Ватанимиз тарихи, урф-одатлари, анъаналари, имкониятлари ва келажагини акс эттирувчи ва тараннум этувчи тадбирлар ўтказилмоқдаки, бу ҳам ижобий самара бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаронинг миллати, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ўзи қилаётган меҳнат самарасини кўриш, бахтли келажагига ишонч билан қараш, оиласида ҳукм сураётган хотиржамлик, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, маънавий ва маданий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ҳуқуқи кафолатланган. Мана шу одилона сиёсат Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни янада оширмоқда. Бу — ёшлар онгида миллий маънавиятга бўлган янгича ёндашувни, ҳурмат-эътиборни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **«Шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон — агар у бизнинг Ватанимизни худди биз каби муқаддас билса — Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойиқ»**дир. Шу тамойилга амал қилишнинг самарасини ҳаётда кўриб турибмиз. Республика миқёсидаги Озарбойжон, Грузин, Немис, Рус, Турк, Қозоқ, Тожик, вилоят миқёсидаги Араб, Қирғиз марказларининг раҳбарлари Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Улар орасида олий даражадаги «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига муяссар бўлганлар ҳам бор. Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат Қонун билан мустаҳкамланган. Бунинг ижобати Олий ва ўрта таълим тизимида ўқиш етти тилда олиб борилиши, газета ва телекўрсатувлар тўққиз тилда фаолият кўрсатаётгани мисолида намоён бўлади.

Миллатлараро муносабатда эътиборсизлик, инсоний қадр-қимматни назардан қочириш, урф-одатларга лоқайд қараш нималарга олиб келишини ўзга мамлакатларнинг аччиқ тажрибасидан кўриш мумкин. Шуни инобатга олсак, бу борада амалга оширилаётган эзгу ишлар кўнгилда қувонч уйғотади. Миллатлараро муносабатнинг миллий ғоя ва мафкурамизнинг асосий мақсадларидан бири сифатида қадрланиши халқимиз ва давлатчилигимиз бағрикенглиги тимсолидир.

Ўрол АБИЛОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Украина:
ФАРМОН ЯНА КУЧДА

Киев апелляция маъмурий суди шаҳар округ маъмурий судининг Виктор Юшченконинг Олий Радани тарқатиб юбориш ва муддатидан илгари сайловларни ўтказиш ҳақидаги фармони амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарорини бекор қилди, деб хабар қилди УНИАН. Шундай қилиб, Украина президенти девонининг аризаси қониқтирилди.

Эслатиб ўтамиз, 8 октябрда Юшченко томонидан Радани тарқатиб юбориш ва муддатидан илгари сайловларни ўтказиш ҳақидаги фармон имзоланганди. Бироқ орадан кўп ўтмай, 11 октябрда Киев Округ маъмурий суди (ОМС) унинг амал қилишини тўхтатиб қўйди. Икки кундан кейин эса Украина президенти бу судни тугатиб, унинг ўрнига иккита — Киев марказий маъмурий суди ва Киев сўл соҳил округ маъмурий судини тузди. Бироқ Юлия Тимошенко блоки президентнинг ОМСни тугатиш ҳақидаги фармони кучга киришини тўхтатган Киев вилоят маъмурий судига мурожаат этди. Шундай қилиб Юшченко томонидан янгидан тузилган судларнинг мақоми шубҳа остида қолди, Киев округ маъмурий суди эса амалда ўз ишини давом эттирди. Дарвоқе, шундан сўнг Юшченко ОМСни тарқатиб юбориш ҳақидаги яна бир фармонни чиқарди. Муқаддам хабар қилинганидек, сешанба куни ОМС президентнинг муддатидан илгари сайловлар ҳақидаги фармонини кучга киришини тўхтатиш борасидаги аввалги қарорини бекор қилди. Буни шарҳлаган Юлия Тимошенко блоки вакили Валерий Писаренконинг таъкидлашича, сайловлар ҳақидаги масала ўз аҳамиятини йўқотган, зеро Юшченко муддатидан илгари сайловлар муддатини 7 декабрдан 14 декабрга кўчирган.

АҚШ:
дўконларда ўғирлик қилган

Chicago Sun-Times газетасининг маълум қилишича, Иллинойс штати губернатори Род Благоевич Спрингфилд шаҳридаги Авраам Линкольн кутубхонаси ва музейи директорини ишдан бўшатган. Ишдан бўшатилган Ричард Бирд сайёҳларнинг севимли маскани бўлган мазкур муассасага икки йилдан буён бошчилик қилаётганди. Йилига 200 минг доллар миқдорида ойлик олаётган 61 ёшлик Бирд дўконларда қатор ўғирлик қилганликда айбланиб, ишдан бўшатилди.

Покистон:
қурбонлар сони юздан ортиқ

Мамлакатда чоршанба тонгида рўй берган зилзила натижасида юздан ортиқ киши ҳалок бўлган, деб хабар беради АР. Покистон Вазирлар Маҳкамаси аъзоси Замарук Хон ушбу хабарни маълум қилган. Унинг қўшимча қилишича, ҳалок бўлганлар ва ярадорлар ҳақидаги маълумотлар табиий офатдан жабрланган мамлакат ҳудудларидан ҳамон келмоқда. АҚШ Геология хизмати мутахассислари томонидан кучи 6,2 баллга баҳоланган зилзила Покистоннинг жануби-ғарбида рўй берган. Ер силкинишларининг маркази Кветтадан 70 километр ва Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳридан 185 километр нарида бўлган. Уч йил муқаддам, 2005 йил октябрида Покистонда 7,6 балл кучда рўй берган зилзила чоғида камида 73 минг киши ҳалок бўлиб, 3,5 миллиондан ортиқ аҳоли қочоқларга айланганди.

ГАЖК «Узбекистон темир йуллари»

объявляет тендер № 10, 2008 года на приобретение новых пассажирских вагонов повышенной комфортности согласно графика поставки (4 квартал 2008 года — 1 квартал 2009 года).

Лот № 1. Вагон пассажирский повышенной комфортности для межобластного сообщения с креслами для сидения в количестве 7 единиц.

Лот № 2. Вагон пассажирский купейный повышенной комфортности с креслами для сидения в количестве 1 единицы.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Узбекистон темир йуллари» Управление «Темирйулёнилгитаъмин», комната 410. **Тел: 237-94-72, 237-96-33.**

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.



MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI

2008 йил мобайнида ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 16.00 да бўш турган ва қурилиши тугалланмаган қуйидаги биноларни сотилгунига қадар ўтказиладиган танлов савдоларига таклиф этади:

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани «Сувчи» даҳаси, Чо Мен Хи кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси. Қурилиш майдони 9 886 кв.м бўлган 3 ва 1 қаватли асосий бинолар ертўласи, ўтиш ва ёрдамчи бинолари билан.

Бошланғич баҳоси 894 275, 28 АҚШ дол., ёки тўлов кунидаги МБ курси бўйича миллий валютада.



Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Спутник — 17» даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси. Қурилиш майдони 6 799 кв.м. бўлган 4 қаватли бино ертўласи билан (блок А), 3 қаватли бино (блок Б), 4 та ёрдамчи бино ва ўтиш йўлаги.

Бошланғич баҳоси 772 039,67 АҚШ дол., ёки тўлов кунидаги МБ курси бўйича миллий валютада.



Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Ходжаев кўчаси, 29-уй манзилда жойлашган бўш турган маъмурий бино. Қурилиш майдони 2 740 кв.м. бўлган 2 қаватли бино ертўла ва чердаки билан.

Бошланғич баҳоси 1 976 253,34 АҚШ дол., ёки тўлов кунидаги МБ курси бўйича миллий валютада.



Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, «Бинокор» қўрғонида жойлашган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси. Қурилиш майдони 2 607 кв.м. бўлган 1-қаватли бино техник ертўласи билан.

Бошланғич баҳоси 126 843, 89 АҚШ дол., ёки тўлов кунидаги МБ курси бўйича миллий валютада.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, «Спутник — 16» даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган «Савдо маркази» биноси. Қурилиш майдони 2 923 кв.м. бўлган 1 қаватли бино.

Бошланғич баҳоси 209 964, 80 АҚШ дол., ёки тўлов кунидаги МБ курси бўйича миллий валютада.



Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-мавзедаги Қариялар пансионати ёнида жойлашган қурилиши тугалланмаган «Интернат уйи» биноси. Қурилиш майдони 2 426 кв.м. бўлган 3 қаватли бино ертўласи билан (блок А), 3 қаватли бино ертўласи билан (блок Б), 1 қаватли бино ертўласи билан (блок В).

Бошланғич баҳоси 553 350,94 АҚШ дол., ёки тўлов кунидаги МБ курси бўйича миллий валютада.

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: **244-88-04, 244-88-02, 233-35-08**

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, «Янгиобод» даҳаси, Шоҳсанам кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси. Қурилиш майдони 3 600 кв.м. бўлган 5 қаватли бино.

Бошланғич баҳоси 632 401,07 АҚШ дол., ёки тўлов кунидаги МБ курси бўйича миллий валютада.

Шунингдек, ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари соат 15-00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига сотилгунига қадар қуйидаги автотранспорт воситалари қайта қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимияти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси балансидаги

1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ТН 379 бўлган «ГАЗ 2410» русумли автотранспорт воситаси, *бошланғич баҳоси 1 500 000 сўм.*

1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ТН 321 бўлган «ГАЗ 31029» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 2 000 000 сўм.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди балансидаги

1988 йилда чиқарилган, давлат рақами 87-75 ТНМ бўлган «УАЗ 3303-01» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси 2 001 396 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли «JAR» спорт-соғломлаштириш комплекси балансидаги

1979 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 932 бўлган «РАФ-2203» русумли автотранспорт воситаси, *бошланғич нархи 2 200 000 сўм.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси қошидаги автохўжалигига тегишли

1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АА 933 бўлган «Газ – 5204» русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич нархи 1 662 000 сўм.*

1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АQ 573 бўлган ПАЗ – 672М русумли автотранспорт воситаси. *Бошланғич нархи 2 450 000 сўм.*

Аукцион шартлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар:
244-88-04, 244-88-02.

Манзил: **Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй, 2-қават.**

Гувоҳнома: № 001568 – 09

✓ 2008 йил – Ёшлар йили

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Ҳамма вақт долзарб бўлиб келаётган тамойил бу бевосита инсоннинг қалби билан боғлиқ маънавият масаласидир. Инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгариш ва янгиланишларнинг асосий марказида бўлиб келаётгани учун маънавият масаласи энг муҳим устувор йўналишлардан бирига айланди. Ана шу эзгу ниятни амалга ошириш мақсадида республикамизда Соғлом авлод, Соғлом бола — соғлом она, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури каби бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Шунингдек, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилиб, таълимнинг барча босқичларида ва таълимдан ташқаридаги аҳоли ўртасида маънавият ва маърифат асосларини ўргатадиган, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар, оммавий китоблар, тарғибот воситалари нашр қилинди, педагог кадрлар тайёрланди.

Бундан ташқари, ўтган даврда ижтимоий ҳаётда ёшларга ҳақиқий таянч ва суянч бўладиган, уларнинг орзу интилишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашадиган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг турли бўғинидаги тузилмалари, «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» сингари жамғармалар ташкил этилди, иқтидорли ва ташаббускор ёшларни рағбатлантириш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти таъсис қилинди, «Келажак овози» танловлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бу хайрли ишлар замирида бир эзгу мақсад — мамлакатимиз ёшларини ҳар томонлама камол топтириш, уларни келажагимизнинг ҳақиқий эгаларига айлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар тургани табиий, албатта.

Айни пайтда Президентимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрлиги туфайли яратилаётган имкониятлар асосида ёшларимиз таълим, илм-фан, санъат ва адабиёт, спорт соҳасида қувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Ана шундай кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш ва уларни янги босқичга кўтариш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Айниқса, 2008 йилнинг диёримизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши бу йўлда яна бир улкан амалий қадам бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2008 йилнинг 29 февралида имзоланган «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорда ушбу йилда амалга ошириладиган кенг кўламли ишларнинг асосий йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилди. Унда белгиланган вазифаларни Самарқанд вилояти бўйича ижросини таъминлаш борасида Ёшлар йили ҳудудий Дастури тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ қилинди. Ҳудудий дастурнинг биринчи — «Ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш» бўлимига масъул этиб вилоят адлия бошқармаси белгиланди.

Ушбу ҳудудий дастурнинг тегишли бандлари ижросини таъминлаш мақсадида мутасадди идора, ташкилот ва муассасалар масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб ишлар йўлга қўйилди.

Ёшлар йили муносабати билан республика бюджетидан 96 миллиард сўмдан ортиқ, ҳомийлар ҳисобидан 25 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди. Бу йўналишларнинг ҳар бири бугунги кун ёшлари ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этади. Улар бўйича амалга ошириладиган ишлар эса ёшларнинг моддий ва маънавий юксалишида ҳал қилувчи ўрин тутиши шубҳасиз.

Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, кейинги йилларда давлатимизнинг ана шундай изчил сиёсати ўзининг амалий натижаларини бермоқда, биз уларни ҳар қадамда кўришимиз мумкин. Чунончи, замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, барча қулайликларга эга бўлган спорт иншоотлари, ёшлар марказлари ёш авлод манфаатларини рўёбга чиқариб, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши учун хизмат қилмоқда.

Масалан, ҳозирги кунда вилоятимизда 130 та коллеж ва академик лицей фаолият кўрсатиб келаётган бўлиб, биргина жорий йилнинг ўзида 17 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицей ёшлар учун фойдаланишга топширилди. Замонавий Санъат коллежининг конференция зали, Қишлоқ хўжалик институти қошидаги академик лицей ҳамда республикамизда ягона миллий андозамиз асосида қурилган янги «Бахт уйи» бинолари шулар жумласидандир. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш ишларини янада жонлантириш, зарарли ғоялар кириб келишининг олдини олиш каби долзарб масалалар бўйича ўтказилаётган конференциялар, амалий семинарлар, суҳбат ва телемулоқотлар, услубий ёрдам тарқасида чиқарилаётган китоб ва маърузалар тўпламлари, плакат ва қўлланмалар маънавий-мафкуравий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази» биносида республика Адлия вазирлиги, вилоят адлия бошқармаси раҳбарияти вакиллари, Олий Мажлис Сенаторлари, вилоят ва туман ҳокимликлари вакиллари, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг инсон ҳуқуқлари бўйича масъул ходимлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят бўлими ходимлари, Омбудсманнинг вилоятдаги вакили, маҳалла фаоллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари, Халқ таълими ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари вакиллари иштирокидаги учрашувлар ўқувчи-ёшлар билан баҳс-мунозара шаклида ўтказилиб, «Энг яхши ҳуқуқ билимдони» номинацияси бўйича ғолиблар аниқланди ва улар адлия бошқармасининг қимматбаҳо совғалари, Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Албатта, ўтган давр мобайнида бу соҳада қилинган ишлар тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин бизнинг асосий вазифамиз эришилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан, бугунги тезкор давр олдимизга қўяётган вазифаларни ўз вақтида ҳал этишдан иборат. Бугун шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаётнинг ўзи, ислоҳотларнинг бориши маънавий-мафкуравий ишлар сифатини янада ошириш ва уларни янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда.

Алишер МАРДИЕВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғи.

✓ Шеър ва шуур

«МЕНИНГ СЕНДЕК ЖАҲОНАРО БИҲИШТИМ БОР»

Сирожиддин Саййиднинг халқчил, самимий, ўзига хос ташбиҳ ва сурхон шевасига монанд мусиқий оҳангларга бой шеърлари аллақачон адабиёт мухлислари қалбидан жой олган, қўшиқларга айланган. Унинг мазкур туркум шеърлари бугун ярим асрлик довонга қадам қўйган шоирнинг айни ижодий куч-қувватга тўлганидан дарак беради.



Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

КИМ ТИЛНИ БИЛУР ~ ЭЛНИ БИЛУР

(Аваз Ўтар ғазалига мухаммас)

Гар ушбу Ватан бизга азал ота макондур,
Султонларидан шаъни анинг рўйи жаҳондур.
Ким тилни билур — элни билур, шонига шондур,
Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,
Тил воситаи робитаи оламиёндур.

То ёғмасалар бошингиза таънаю тошлар,
Тошдин ҳам қаттиқ бўлгусидир илм ила бошлар,
Эй сиз, қоракўзу қорасочу қорақошлар,
Ғайри тилини саъй қилинг билгали ёшлар,
Ким илму ҳунарлар билаки андин аёндур.

Бўлмас кишига кўрку ҳусн сўзни гулидек,
Ҳар тилни билув — дилни билув, дилни — элидек,
Тилни йўли ҳам шоҳ жаҳонгирни йўлидек,
Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,
Билмакка они ғайрат этинг, фоида кондур.

Ҳақ сизга бериб миш сувингиз ҳам далангизни,
Ўз боғингизу қир-адирингиз, лолангизни,
Тенг айлаб жаҳон аҳлига куч-ҳафсалангизни,
Илму фан уйига юборинглар болангизни,
Онда ўқуғонлар бори яктойи замондур.

Умр ўттусидур сув каби ё сувдаги хасдек,
Дилбандларингизнинг бари дарёйи ҳавасдек,
Илм олмасалар умр бўлур тийра қафасдек,
Зор ўлмасун онлар даги тил билмай Аваздек,
Тил билмаганидин они бағри тўла қондур.

ИФТИХОР

Амир Темур, Улуғбек, Бобурийдек
етти пуштим бор,
Жаҳон ичра менинг сендек
жаҳонаро биҳиштим бор.
Ватан, қўрғонларинг дунё турур то —
устувор бўлгай,
Менинг ҳам бу иморатларга
қўйган битта ғиштим бор.

ҚАЛАМИМҒА

Айро этиб мендан дашту даламни,
Худо менга буюрмишдир қаламни.
Мен қаламдан олгайдирман аламни,
Қалам эса олай дейди оламни.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 949
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

БОКСЧИЛАР ШАШТИ БАЛАНД

Мексиканинг Гвадалахара шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси муваффақиятли иштирок этмоқда.

Эллик етти килограмм вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Фазлиддин Ғойибназаров иккинчи учрашувда ҳам рақибидан устун келиб ғалаба қозонди. Вазни олтмиш тўрт килограммгача бўлган боксчилар ўртасидаги жангда эса Ўктам Раҳмонов дастлабки ғалабани қўлга киритди.

Мусобақа давом этмоқда.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

✓ Нашр

«ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ»

илмий-назарий, маънавий-маърифий журналининг махсус сони чоп этилди

Журналнинг махсус сони Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобига бағишланган. Муаллифлар ўзларининг қизиқарли, фалсафий, таҳлилий чиқишларида энг буюк инсоний бойлик — маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий-амалий томонлари ҳақида атрофлича фикр-мулоҳаза ва хулосалар билдиришга ҳаракат қилганлар. Хусусан, тадқиқотчи Бахтиёр Ризонинг «Истиқлол берган бахт-иқбол» ҳамда академик Саидаҳрор Ғуломовнинг «Маънавий ривожланиш — миллий тикланиш омили» сарлавҳали мақолаларида маънавиятнинг чуқур илдизлари ҳақида гап боради. Шунингдек, журналдан таниқли файласуф Виктор Алимасовнинг «Мен ва «Мен», ҳуқуқшунос олим Абдуғофур Абдумажидов ва Фахриддин Муҳитдиновнинг «Жиноят процессида бевоситалик принципига бир назар», Музаффаржон Мамасиддиқовнинг «Меҳнат вазифаларини бажаришда ходимга етказилган зарарни ундириш масалалари» каби мақолалар ўрин олган.

Бундан ташқари, файласуф, тадқиқотчи, ҳуқуқшунос ва тарихчи олимларнинг қатор таҳлилий мақолалари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиий.

Мирзо АНВАР

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси Хоразм минтақавий кон техника инспекцияси бошлиғи Болтабой Раҳматуллаевга турмуш ўртоғи
Ширинжон ТОЖИЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НОРИН – СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ

ГИДРОГЕОЛОГИЯ—МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот №	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати (кун)
1/1	Наманган вилояти, Наманган туманидаги «Шарқий» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (60,2 км.)	81 081 918	150
1/2	Наманган вилояти, Наманган туманидаги «Янги Наманган селхона» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (49,65 км.)	75 406 221	130
1/3	Наманган вилояти, Наманган туманидаги «Эски Наманган селхона» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (46,65 км.)	86 047 597	130
1/4	Наманган вилояти, Чуст туманидаги хўжаликлараро «Қуруқсой» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (28,3 км.)	75 852 420	90
1/5	Наманган вилояти, Чуст туманидаги хўжаликлараро «Бувана» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (15,892 км.)	52 697 992	70
1/6	Наманган вилояти, Чуст туманидаги хўжаликлараро «Бирлик» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (24,639 км.)	49 265 210	90
2/1	Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги «Аччиққўл» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (4-босқич, 48,96 км.)	71 080 773	130
2/2	Наманган вилояти, Поп туманидаги «Аччиққўл» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (5-босқич, 59,972 км.)	131 078 017	150
2/3	Наманган вилояти, Поп туманидаги хўжаликлараро «Сирдарё» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (3-босқич, 62,66 км.)	153 991 938	155
2/4	Наманган вилояти, Поп туманидаги хўжаликлараро «Сирдарё» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (4-босқич, 43,27 км.)	111 910 586	120
2/5	Наманган вилояти, Норин туманидаги хўжаликлараро «Қорадарё» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (4-босқич, 28,996 км.)	61 658 827	90

Қурилиш ишлари Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: ***Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.***

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уйда жойлашган Норин — Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.
Телефон: (8-369) 226-38-34, 226-78-53.

(Газетанинг навбатдаги сони 4 ноябрь, сешанба куни чиқади).